

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЗУФАРОВ АЗИЗ АЛИМДЖАНОВИЧ

БОЛАЛАРДА НАФАС АЪЗОЛАРИ ЎТКИР ЯЛЛИГЛАНИШИНИ
ЮРАК РИТМИ СПЕКТРАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ БЎЙИЧА ҚИЁСИЙ
ТАШХИСОТИНИНГ ТИЗИМЛИ ТАХЛИЛИ

14.00.09 – Педиатрия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Зуфаров Азиз Алимджанович

Болаларда нафас аъзолари ўткир яллиғланишини юрак ритми спектрал хусусиятлари бўйича қиёсий таҳхисотининг тизимли таҳлили 3

Зуфаров Азиз Алимджанович

Системный анализ в дифференциальной диагностике острых воспалительных заболеваниях дыхательной системы у детей по спектральным характеристикам сердечного ритма..... 29

Зуфаров Азиз Алимджанович

Systemic analysis in differential diagnostics of acute inflammatory diseases of respiratory system in children according to spectral characteristics of cardiac rhythm 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 58

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЗУФАРОВ АЗИЗ АЛИМДЖАНОВИЧ

**БОЛАЛАРДА НАФАС АЪЗОЛАРИ ЎТКИР ЯЛЛИГЛАНИШИНИ
ЮРАК РИТМИ СПЕКТРАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ БЎЙИЧА ҚИЁСИЙ
ТАШХИСОТИНИНГ ТИЗИМЛИ ТАХЛИЛИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib7 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот - таълим тармоғига (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Алимов Анвар Валиевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Продеус Андрей Петрович (Россия) тиббиёт фанлари доктори, профессор Шамсиев Фуркат Мухитдинович тиббиёт фанлари доктори, профессор Ахмедова Инобат Мухамеджановна тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871) - 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (____ - сон билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 223 - уй. Тел./Факс: (+99871) 262-33-14).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Д.И.Ахмедова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Э.А.Шамансурова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.М.Шарипов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги йилларда юқори нафас йўллари касалликлари болаларда учрайдиган касалликлар орасида етакчи ўринни эгаллайди Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, ўткир респиратор касалликлар (ЎРК) билан ҳар йили 20 дан 40 миллион нафар инсонлар касалланади, улардан 45-60 фоиз болаларга тўғри келади.¹ Лекин, кўп ҳолатларда ўткир респиратор касалликларни ташхисоти ва давоси маълум қийинчиликларни юзага келтирмоқда, шунинг учун ЎРКлар эпидемияси ҳозирги кунга қадар энг муҳим тиббий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Нафас олиш аъзоларидаги яллиғланиш жараёнида юрак қон-томир тизимида кузатиладиган функционал ва морфологик ўзгаришлар мураккаб бўлгани сабабли, бу бир-бири билан ўзаро боғланган оғир асоратлар билан намоён бўлади.

Дунёда болалар касалликлари, жумладан нафас тизими ўткир яллиғланиш касалликларида юрак ритми спектрал кўрсаткичлари ўзгаришларини эрта босқичда ташхислаш, даволашга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича бир қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада нафас олиш аъзоларининг ўткир носпецифик касалликлари ва юқори нафас йўллари ўткир яллиғланиши, ушбу касалликларда болаларнинг мослашув имкониятлари, ўткир респиратор синдромда юрак ритми спектрал кўрсаткичлари ўзгаришларининг модели ва сабаб-нативавий боғлиқлиги, ўткир яллиғланиш касаллиги асоратлари ривожланишида С-реактив оқсил ва прокальцитонин кўрсаткичлари даражаси, болалар нафас олиш аъзоларига минераллар алмашинуви ва қалқонсимон олди беши таъсирини аниқлаш; ўткир яллиғланиш касаллиги яллиғланиш медиаторлари миқдорини аниқлаш; яллиғланишга хос цитокинлар гени вариациясини юрак фаолияти билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш; ўткир респиратор синдромини прогнозлаш ва ташхислаш мезонларини аниқлаш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Болаларда нафас аъзолари ўткир яллиғланишида юрак ритми спектрал кўрсаткичлари ўзгаришларини ташхислаш ҳамда керакли рационал даволаш-профилактик тадбирларини белгилаш ҳозирги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз аҳолисининг турли қатламлари орасида терапевтик касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтириш бўйича салмоқли натижалар олинди. Шулар билан бир қаторда соғлиқни сақлаш тизимида бир қанча муаммолар мавжуд. Улар орасида нафас олиш аъзолари касалликларини аниқлаш ва олдини олиш муҳимдир. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² «оила саломатлигини мустаҳкамлаш,

¹World Health Organization. World Health Statistics 2006. – Geneva: World Health Organization, 2006. <http://www.who.int/healthinfo/statistics>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони

оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимни камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш» вазифалари белгиланган. Бу борада жумладан болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, тинч ҳолатда ва зўриқиш фониди марказий ва периферик гемодинамика кўрсаткичларини аниқлаш ва бошқарув тизими фаолиятини интеграл кўрсаткичи сифатида юрак ритми спектрал кўрсаткичлари ўзгаришларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» Фармони, 2016 йил 2 ноябрдаги ПҚ–2650-сон «Ўзбекистонда 2016–2020 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³.

Болаларда нафас аъзолари ўткир яллиғланишини юрак ритми спектрал хусусиятлари бўйича қиёсий таххисотининг тизимли тахлилига йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of Washington, University of North Carolina, University Chicago, Wayne State University (АҚШ); Capital Medical University (Хитой); University of Bari (Италия); University Würzburg (Германия); University of Berne (Швецария); University Saskatchewan (Канада); University Hospital of Leipzig, Klinikum Bremen Nord (Германия); European Georges-Pompidou (Франция); University of Groningen (Нидерландия), Indiana University School of Medicine (Хиндистон); Research Institute (Польша); Hacettepe University Faculty of Medicine (Туркия); Children's Nutrition Research Center, Department of Pediatrics, Baylor College of Medicine (АҚШ), Boston College, Chestnut Hill, MA (АҚШ), Nutrition Unit, Department of Prevention (Италия), Nutrition Department of Pediatrics and

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.washington.edu, www.unc.edu, www.uchicago.edu, www.wayne.edu, www.mbbs.cucas.edu.cn, www.uniba.it, www.uni-wuerzburg.de, www.unibe.ch, www.usask.ca, www.uniklinikum-leipzig.de, www.hopital-georgespompidou.aphp.fr, www.rug.nl, www.medicine.iu.edu, www.hacettepe.edu.tr, www.old.lmsmu.ru, www.spb.ucheba.ru, www.pediatrics.kz, www.tashpmi.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Functional Foods Forum, University of Turku (Финляндия), Болалар саломатлиги илмий маркази ва РАМН Овқатланиш институти (Россия), Россия давлат тиббиёт университети, Санкт-Петербург давлат тиббиёт академияси (Россия); Қозоғистон педиатрия ва болалар хирургияси илмий маркази (Қозоғистон), Тошкент педиатрия тиббиёт институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Болаларда нафас аъзолари ўткир яллиғланиш касалликларида юрак ритми хусусиятларидаги ўзгаришларини тизимли тахлилига қаратилган тадқиқотлар бўйича қатор, жумладан куйидаги илмий натижалар олинган: болалар респиратор тизими патологияларида иммун хужайралар реактивлигини пасайиши аниқланган (Children's Nutrition Research Center, Department of Pediatrics, Baylor College of Medicine (Хьюстон, АҚШ)); болалар ичак паразитар касалликларида ўпканинг спирометрик кўрсаткичлари пасайиши асосланган (Capital Medical University (Хитой)); чап ўпка артериясини стентлашнинг юрак қон-томирлари очилишига таъсири исботланган (Research Institute (Польша)); респиратор вирусли инфекциялар билан касалланган болаларда нафас йўллари, юрак-қон томир, пешоб-айирув тизимлар томонидан жиддий асоратлар кузатилиши аниқланган (Nutrition Department of Pediatrics and Functional Foods Forum, University of Turku (Финляндия)); болаларда ўткир респиратор дистресс-синдромини патогенетик даволаш усули ишлаб чиқилган (Wayne State University (АҚШ)); болалар касалликларида яллиғланишга қарши цитокинлар махсулотининг кучайиши, цитокин баланси ва IgE номутаносиблиги бузилиши исботланган (Тошкент педиатрия тиббиёт институти (Ўзбекистон)).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида болаларда нафас аъзолари ўткир яллиғланишида юрак ритми спектрал кўрсаткичлари ҳолатини аниқлаш бўйича қатор, жумладан куйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: бронх-ўпка патологияси ривожланишига таъсир қилувчи эндоген ва экзоген хавф омилларни таъсир механизмини асослаш; юрак ритми спектрал кўрсаткичлари ўзгаришларига боғлиқ ҳолда бронх-ўпка касалликларида биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлари ўзгаришини аниқлаш; болаларда ўткир респиратор дистресс-синдромини эрта ташхислаш ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш; нафас йўллари ўткир яллиғланиш касалликларида юрак ритми спектрал кўрсаткичлари ўзгаришларини аниқлаш; юрак ритмига симпатик таъсирнинг пасайиши фонида вегетатив фаоллашув механизмини аниқлаш; респиратор тизим ўткир яллиғланиш касалликларини кечишини қиёсий ташхислаш; бронх-ўпка касалликларини даволаш ва реабилитация тизимини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўпгина тадқиқотлар, юрак ритмининг спектрал тахлили миянинг сегментар ва сегмент усти тизими бўйича билвосита баҳо бериш имконини беришини кўрсатмоқда. Юрак ритми варабиллигининг частотали хусуссияти нейровегетатив бошқарувнинг метаболик жараён хусуссияти ва даражасини ёритади Araki S., et al., 2008; Леонтьева И.В., 2008; Балыкова Л.А. ва ҳаммуалифлар, 2010; Нетребенко О.К., 2005; 2011;).

Болалар ўткир респиратор синдромида юрак ритми спектрал параметрларини баҳолаш долзарблиги намоён этилади. Касалликни клиник кўриниши ва кечиш хусусияти умумлаштирилган ва ўткир респиратор синдром (ЎРС) кўриниш даражаси, ҳамда нафас етишмовчилиги белгиларида ўзини намоён этадиган кўпгина омиллар билан боғлиқ.

Организмнинг функционал ҳолати ёш бўйича физиологиясининг индикатори сифатида тинч ҳолатда ва зўриқиш фонида текшириладиган марказий ва периферик гемодинамика кўрсаткичлари қўлланилади. Бошқарув тизими фаолиятининг интеграл кўрсаткичи сифатида юрак ритми варабиллиги спектрал ҳолати бўйича тадқиқотларга катта аҳамият берилмоқда (Bosy-Westphal A., et al., 2006; de Onis M, Bloessner M, Borghi E., 2010).

Қиёсий ташхисот, патологик жараён ривожланиш моиллигини прогнозлаш ва асоратлари пайдо бўлиши хавфини баҳолаш кўп ҳолларда даво-ташхисловчи тадбирлар тактикасини ва давонинг самарасини белгилайди. Бу биринчи навбатда беморларни умумий ҳолатини объектив баҳолаш, анитибиотикотерапияни рационал усулларини қўллашни оқланиши ва кўшимча ташхислаш усулларига кўрсатмаларни кенгайтириши (ёки қисқариши) билан боғлиқ, бу эса шак шубҳасиз давонинг баҳоси ва касаллик натижаларида акс этади (Батулин А.К., Нетребко О.К., 2010).

Болалар саломатлиги ҳолатини баҳолашнинг энг кўп натижа берадиган усулларида бири уларнинг ўсиши ва ривожланишини мунтазам равишда мониторинги ва назорат қилиш ҳисобланади, шу сабабли бу усул болалар саломатлигини сақлаш тизимининг ажралмас қисми бўлиши лозим (Чижова Ж.Г., 2007; Нагаева Е.В., 2009; Ахмедова Д.И., ва ҳаммуалифлар, 2013). Жисмоний ривожланишни баҳолашнинг оддий ва бир хиллаштирилган (унификацияланган) усуллари болалар аҳолиси фаровонлигини бошқариш; болалар ривожланиши ва ўсишининг динамик тиббий кузатувини амалга ошириш; профилактик кўрикларни ўтказиш; болалар овқатланишини яхшилашга доир чора-тадбирларни баҳолаш учун зарурдир (Назарова Е.В., Кузмичев Ю.Г., Жукова Е.А., 2014). Шу жиҳатдан ҳудудларда болаларнинг индивидуал ва популяцион ривожланиш даражасини аниқлаш, шунингдек болаларда нафас аъзолари ўткир яллиғланишини юрак ритми спектрал хусусиятларини баҳолашда болаларнинг ўсиш ва ривожланишининг ЖССТ томонидан тавсия этилган янги стандартларидан фойдаланиш долзарб ва муҳим саналади. Юқорида баён этилганларни барчаси ушбу тадқиқотнинг ва ўз навбатида муаммонинг долзарблигини устуворлигини белгилаб беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А-9-275-сон «Ўзбекистон ҳудудларида ҳаётнинг дастлабки 3 йилида болалар саломатлиги ва ривожланишини комплекс баҳолаш» (2006-2008 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда нафас аъзолари ўткир яллиғланишини юрак ритми спектрал кўрсаткичлар ўзгаришлари бўйича қиёсий ташхислашнинг тизимли тахлилидан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нафас аъзолари ўткир яллиғланиш касалликларида юрак ритми варабиллиги кўрсаткичларини аниқлаш;

ўткир респиратор синдромда юрак ритми спектрал хусусиятларини омилли модел ва сабабли-нативавий боғлиқлик бўйича тахлил қилиш;

болаларда юқори нафас йўллари ўткир яллиғланиш касаллигида цитокинлар фаолияти хусусиятларини аниқлаш;

болаларда юқори нафас йўллари ўткир яллиғланиш касаллиги асоратлари ривожланишида С-реактив оқсил ва прокальцитонин кўрсаткичлари даражасини баҳолаш;

ўткир респиратор синдром ривожланишини прогнозлаш ва ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 193 нафар нафас аъзолари ўткир яллиғланиши бўлган бемор ва 26 нафар соғлом болалар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида болалар вена қони ва зардоби иммунологик ва биокимёвий тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг методлари. Умумклиник, клиник-инструментал, биокимёвий, иммунологик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

нафас олиш аъзолари ўткир яллиғланиш касалликларининг турли шакллари ва юрак функционал ҳолати ўзгаришларининг боғлиқлиги аниқланган;

илк бор ўткир респиратор синдроми жараёнида нафас олиш аъзолари яллиғланиш ўчоғи ва юрак ритми спектрал кўрсаткичларининг ўзаро пропорционал корреляцияси асосланган;

болалар нафас олиш аъзолари ўткир яллиғланиш касалликларида иммунитет яллиғланиш маркерлари ўзгаришининг касаллик босқичларига боғлиқлиги аниқланган;

илк бор нафас олиш тизими ўткир респиратор касалликлари оғирлик даражасининг С-реактив оқсил ва прокальцитонин кўрсаткичлари ўзгаришига боғлиқлиги исботланган;

болалар соғлиғини назорат қилиш учун R-R интервали асосида юрак ритми спектрал кўрсаткичлари ўзгаришларини баҳолашнинг NBICS технологияларига мос маълумотлар базаси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нафас олиш тизими яллиғланиш касалликлари асоратларини эрта ташхислашга кўмаклашувчи қўшимча маълумот тавсия этилган;

нафас йўллари яллиғланишининг ўткир бронхит ёки бронхопневмонияга айланишида яллиғланиш маркерлари ҳолати аниқланган;

нафас олиш тизими ўткир яллиғланиши турли ҳолатларини ажратиш имконини берадиган қиёсий-ташхисловчи алгоритм ишлаб чиқилган;

илк бор клиник қиёсий-ташхислашда юрак ритми варабиллиги тахлилини самарали қўллаш имкони асосланган ва ҳар томонлама ёндошувлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти болаларда нафас аъзолари ўткир яллиғланишини юрак ритми спектрал хусусиятлари бўйича ва ташхислашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган. Касалликда аниқланган ўткир респиратор синдромда ЮР спектрал поддиапазонлар такрорланиш даражаси, ўткир яллиғланиш касалликлари босқичларида цитокинлар миқдорининг ўзгаришлари, касаллик оғирлик даражаси яллиғланиш маркерларининг ўзгариши ва улар орасидаги ўзаро боғлиқлик ушбу патология патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти нафас йўллари яллиғланишининг ўткир бронхит ёки бронхопневмонияга айланишида яллиғланиш маркерлари ҳолати аниқланган; нафас олиш тизими ўткир яллиғланиши турли ҳолатларини қиёсий-ташхисловчи алгоритм ишлаб чиқилган; юрак ритми варабиллиги тахлилини самарали қўллаш имконига асосланган ёндошувлар ишлаб чиқилган. Жорий қилинган патогенетик асосланган болалар нафас тизими ўткир яллиғланиш касалликларидаги қиёсий ташхислаш мезонлари асоратлар ривожланишини олдини олиш, касаллик рецедивини камайтириш, даволаш самарадорлигини ошириш ва беморлар ҳаёти сифатини яхшилаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда нафас тизими ўткир яллиғланиш касалликларида юрак ритми спектрал тавсифи бўйича дифференциал ташхисоти тизимли тахлилининг янги услулари ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Болаларда нафас тизими ўткир яллиғланиш жараёни ривожланишининг прогнозлаш усули» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 24 апрелдаги 8н-з/55-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма болаларда нафас олиш тизими касалликларини ремиссия муддатини қисқартириш, касалхонага ётувчи беморлар сонини камайтириш, болалар саломатлигини яхшилаш имконини берган;

«Болалар нафас тизими ўткир яллиғланиш касалликларини қиёсий солиштирма ташхислаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 24 апрелдаги 8н-з/55-сон маълумотномаси).

Мазкур услубий қўлланма болаларда нафас аъзолари ўткир яллиғланиш касаллигини эрта ташхислаш, уларни оғир клиник шаклларга ўтишини олдини олиш ҳамда дифференциалланган даволашга хизмат қилган;

болаларда нафас аъзолари ўткир яллиғланиши юрак ритми спектрал хусусиятлари бўйича қиёсий ташхисотининг тизимли таҳлили бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, 1-шаҳар болалар клиник шифохонаси ва Андижон вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 24 апрелдаги 8н-з/55-сон маълумотномаси). Натижада болаларда юрак ритми варабиллигининг нафас аъзолари ўткир яллиғланиш касалликларига боғлиқлигини аниқлаш ва ташхислаш янги услубларни қўллаш орқали беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, касаллик билан оғриган болаларни стационарда даволаниш кунларини 2–3 кунга камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 175 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация структураси ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Ҳозирги даврда болалар нафас аъзолари ўткир яллиғланиш касалликларидаги ўзгаришлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида адабиётларни таҳлилий манзараси келтирилган, унда нафас тизими ўткир яллиғланиш касалликларининг этиологияси, патогенези, ташхисоти, клиникаси ва давоси бўйича замонавий кўринишлар таҳлили ўтказилган. Бу бобда адабиётлар маълумотлари умумлаштирилган ва муаммонинг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг «**Болаларда юқори нафас йўллари ўткир яллиғланиш касалликларида қиёсий ташхисот текшириш усуллари**» деб

номлаган иккинчи бобида тадқиқотда қўлланилган усул ва услублар таснифланган, 0,2 ёшдан 6,6 ёшгача бўлган 167 нафар бемор болаларнинг умумий таснифи очилган, улардан ЎРВИ (ларинготрахеит)ни – 82 нафар бола (49,1%), ўткир бронхит – 42 нафар бола (25,7%) ва бронхопневмония – 43 нафар болани (25,7%) ташкил этган. Солиштирма гуруҳни 26 нафар соғлом болалар ташкил этган.

Текширув вақтида болаларнинг шифохонада даволаниш муддати 1 кундан 13 кунгача оралиғида эди ($M \pm SD$: 4.1 ± 2.4 кун). Барча текширилган болалар анамнестик малумотларига кўра, касалликни бошланиши юқори нафас йўллари ўткир яллиғланиши билан боғлиқ бўлган. Шифохонага келганларида қуйидаги бирламчи ташхислар кўйилган: ЎРВИ (ларинготрахеит)ни – 82 нафар бола ($49.1 \pm 3.9\%$), ўткир бронхит – 42 нафар бола ($25.7 \pm 3.4\%$) ва бронхопневмония – 43 нафар болани ($25.7 \pm 3.4\%$) (№1 жадв.).

№1-жадвал

Солиштирма гуруҳларни умумий таснифи

№ пп.	Гуруҳлар номи	Умумий таснифи		
		Белги	Сони	Белгилаш
1	Текширилган болалар умумий гуруҳи	Ёши 7 ёшгача; юқори нафас йўллари ўткир яллиғланиши, бронхит, бронхопневмониянинг клиник кўриниши мавжуд	167	О
2	Юқори нафас йўллари ўткир яллиғланиши бирламчи ташхиси билан болалар	Юқори нафас йўллари ўткир яллиғланиши белгилари юқорирок	82	ВДП
3	Ўткир бронхит бирламчи ташхиси билан болалар	Ўткир бронхит белгилари юқорирок	42	Б
4	Ўткир пневмония (зотилжам) бирламчи ташхиси билан болалар	Бронхопневмония белгилари юқорирок	43	Л

Бирламчи ташхиснинг ўзгариши юқори нафас йўллари ўткир яллиғланиши фонид асоратлар ривожланиши (бронхит ва бронхопневмония) ва қисман касалликни ремиссия жараёни билан боғлиқ бўлган. Клиник ташхислар таркиби қуйидаги кўринишда намоён этилган, сиптомларнинг юқорилигига қараб: юқори нафас йўллари ўткир яллиғланиши – 38 ($22.8 \pm 3.2\%$), ўткир бронхит – 90 ($53.9 \pm 3.9\%$) ва бронхопневмония – 39 ($23.4 \pm 3.3\%$).

Бунда, 82 нафар юқори нафас йўллари ўткир яллиғланиши билан бирламчи ташхисланган болалардан 41 нафарида (50.0±5.5%) ўткир бронхит клиникаси ривожланган ва 4 нафарида (4.9±2.4%) бронхопневмония. Ўткир бронхит билан шифохонага ётқизилган болалардан текширувлар натижасига кўра 40 нафар (95.2±3.3%) болаларда ташхисларнинг тасдиқланганлиги, 2 нафар болада касалликни клиник кўриниши юқори нафас йўллари ўткир яллиғланишига тўғри келган ва бронхопневмонияга (1 – 2.4±2.4%).

Бронхопневмония ташхиси 34 (79.1±6.2%) ҳолатда тасдиқланган, ва 9 нафар болада (20.9±6.2%) ўткир бронхит клиник кўриниши юқорироқлиги аниқланган.

Кардиоинтерваллар кетма-кетлиги давомийлиги ва юрак ритми варабиллиги (ЮРВ) кўрсаткичлари «Ритм» (ПАК «Ритм», Ўзбекистон Республикаси, «ALEN» фирмаси) комплекс дастурий-аппаратида аниқланган. RR-интерваллар 5 дақиқа давомийлигида 0.001 с. Аниқлигида рўёхатга олинган. Спектрал ҳажмнинг абсолют кўрсаткичлари Фурье усули ёрдамида олинган («Hamming» шакли бўйича ягона қисм тўлиқ янгилаши). Бунда, қуйидаги диапазонларнинг учраш чегаралари қабул қилинган: HF – >0.150 Гц, LF – 0.150-0.040 Гц, VLF – 0.040- 0.015 Гц, ULF – <0.015 Гц, HF-1 – 0.150-0.300 Гц, HF-2 – 0.300-0.450 Гц, HF-3 – >0.450 Гц.

Статистик кўрсаткичларнинг ишончлилигини баҳолаш мақсадида тўрта асосий даража қабул қилинган: юқори – $p < 0.001$, ўрта – $p < 0.010$, паст(чегаравий) – $p < 0.050$, аҳамияти паст (ишончсиз) – $p > 0.050$.

Корреляцион боғлиқликни аниқлаш мақсадида Кэнделл усулидан фойдаланилган, баҳолаш эса абсолют (белги)нинг йўналтирилганлиги инобатга олинган.

Диссертациянинг «Нафас тизими ўткир яллиғланиши касалликларида юрак ритми варабиллиги кўрсаткичларининг ўрни» деб номланган учинчи бобида болаларда юрак ритми варабиллиги таснифи солиштирма тарзда келтирилган.

Корреляцион таҳлилни ўтказиш жараёнида, спектрал поддиапазонларни даражавий баҳоси кўриб чиқилган. Юрак ритми спектрал таснифи, жинс белгиси, ҳамда бирламчи ва клиник ташхис маълумотларини инобатга олган ҳолда, сифат кўрсаткичлари билан келтирилган, корреляцион боғлиқликни Спирмен (R_s) ва гамма (R_g)нинг нопараметрик усулларида фойдаланилган. Юрак ритми спектрал поддиапазонларини даражавий баҳоси билан болалар жинсининг корреляцион боғлиқлиги хусусияти 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Юрак ритми спектрал поддиапазонларини даражавий баҳоси билан болалар жинсининг корреляцион боғлиқлиги хусусияти

Кўрсаткич	Спектрал поддиапазонни даражавий хусусияти	Боғлиқлик хусусияти	
		R_g	P
Жинс	LF-12	0,242	0,004
	LF-17	0,346	0,000
	HF-2-28	-0,278	0,001

	HF-3-2	-0,273	0,001
	HF-3-5	0,256	0,002

Корреляцион тахлилнинг натижалари кўрсатишича, ЎРС белгилари билан болалар жинси пастчастотали поддиапазон даражалари хусуссиятлари билан ишончли корреляцияга эга бўлган LF-12 ($p=0.04$ да $R_g=+0.242$) ва LF-17 ($p < 0.001$ да $R_g=+0.346$). Бунда боғлиқлик йўналиши тўғри бўлган (мусбат). Бир вақтнинг ўзида жинс белгиси бўйича ЮР спектрал поддиапазонлари корреляцион боғлиқлиги ҳам манфий, ҳам мусбат хусуссиятига ёки йўналишини ўзида тутган.

Спектрал поддиапазонларнинг даражавий хусуссиятида HF-2-28 ($p=0.001$ да $R_g=-0.278$) ва HF-3-2 ($p=0.001$ да $R_g=-0.273$) HF-3-5 поддиапазон учун корреляцион боғлиқлик манфий бўлиб, поддиапазон учун у тўғри йўналишга эга бўлган ($p=0.002$ да $R_g=+0.256$).

3-жадвал

Болалар ёшининг юрак ритми спектрал поддиапазонлар даражавий баҳолашда корреляцион боғлиқлик хусусияти.

Кўрсаткич	Спектрал поддиапазонни даражавий хусусияти	Боғлиқликлар хусусияти	
		Rs	P
Ёш	ULF	0,187	0,016
	VLF	0,205	0,008
	LF	0,303	0,000
	HF-2	-0,230	0,003
	HF-3	-0,314	0,000
	ULF-3	0,154	0,048
	VLF-5	-0,182	0,019
	LF-5	-0,152	0,049
	HF-2-12	0,185	0,016
	HF-2-24	-0,164	0,035
	HF-3-6	0,167	0,031
	HF-3-11	-0,194	0,012

Текширилган болаларнинг ёши ЮР спектрограммасининг деярли барча поддиапазонлари билан корреляцион боғланган, лекин биринчи юқори частотали HF-1 учун бу боғлиқликлар моиллик борлиги хусуссиятига, паст кучга эга бўлган, ишончли чегара даражасига тўғри келган ёки умуман корреляцион тахлил стандартларига мослиги аниқланмаган (3-жадвал).

Болалар ёш кўрсаткичи билан ЮР спектрал поддиапазонлари даражавий баҳолашнинг корреляцион тахлили натижалари яққол статистик мусбат (тўғри) йўналишдаги ўта юқори - (ULF: $p=+0.016$ да $R_s=0.187$), жуда - (ULF: $p=0.008$ да $R_s=+0.205$) ва пастчастотали (LF: $p < 0.001$ да $R_s=0.303$) диапазонлар билан ишончли боғлиқликларни кўрсатган. Бунда, иккинчи ва учинчи юқори частотали диапазонлар болалар ёшлари белгиси билан статистик ишончли манфий корреляцион боғлиқлик аниқланган (HF-2: $p=0.003$ да $R_s=-0.230$; HF-3: $p < 0.001$ да $R_s=-0.314$). ЮРнинг ҳар бир пастчастотали диапазони учун болалар ёши кўрсаткичи билан спектрнинг алоҳида частоталари

орасида ишончли статистик корреляцион боғлиқлик аниқланган. Ўтапаст частотали соҳада бу боғлиқлик ULF-3 ($p=0.048$ да $R_s=+0.154$) да аниқланган, жуда паст частотали эса - VLF-5 ($p=0.019$ да $R_s=-0.152$) поддиапазон билан боғланган.

4- жадвалда болалар ёшининг ЮР спектрал поддиапазонлари даражавий баҳосининг корреляцион боғлиқлик хусусияти келтирилган.

4-жадвал


Бирламчи ташхиснинг ЮР спектрал поддиапазонлари даражавий баҳосининг корреляцион боғлиқлик хусусияти

Кўрсаткич	Спектрал поддиапазонни даражавий хусусияти	Боғлиқликлар хусусияти	
		Rg	P
БТ	ULF-3	0,304	0,000
	LF-21	0,184	0,010
	HF-2-4	-0,193	0,009
	HF-2-13	-0,215	0,003


Текширувдан ўтган болаларнинг ЎРС клиник кўринишлари билан ёш хусусияти ЮР паст частотали соҳада спектрал ҳажмини ўзгаришида намоён бўлган (ULF: $p=0.016$ да $R_s=+0.187$; VLF: $p=0.008$ да $R_s=+0.205$; LF: $p<0.001$ да $R_s=+0.303$).

Шу билан бирга, болалар ёши ЮР спектрал ҳажми даражавий баҳоси кўрсаткичи билан иккинчи ва учинчи диапазонларда HF (HF-2: $p=0.003$ да $R_s=-0.230$; HF-3: $p<0.001$ да $R_s=-0.314$) манфий корреляцияланган.

Ёшнинг ЮР спектрал даражавий баҳоси билан корреляцион боғлиқликни умумий қонуниятига мос равишда паст частотали соҳада ULF-3 ($p=0.048$ да $R_s=+0.154$) поддиапазони билан статистик ишончли корреляция аниқланган, VLF-5 ва LF-5 поддиапазонларида эса, яққол қайтувчи корреляцион боғлиқлик аниқланган ($p=0.019$ да $R_s=-0.182$; $p=0.049$ да $R_s=-0.152$). ЮР спектри юқори частотали соҳалари алоҳида хусусиятлари билан болалар ёшлари кўрсаткичи корреляцияланган, бунда бу боғлиқлик турли йўналишга эга бўлган (HF-2-12: $p=0.016$ да $R_s=+0.185$; HF-2-24: $p=0.015$ да $R_s=-0.164$; HF-3-6: $p=0.031$ да $R_s=+0.167$; HF-3-11: $p=0.012$ да $R_s=-0.194$). Бирламчи ташхис кўрсаткичлари ЮР спектрал ҳажми даражавий баҳоси кўрсаткичи билан корреляцияланган паст частотали соҳада (ULF-3: $p<0.001$ да $R_g=+0.304$; LF-21: $p=0.010$ да $R_g=+0.184$), спектрнинг юқори частотали соҳасида эса орқага қайтувчи ишончли статистик боғлиқликни кўрсатган (HF-2-4: $p=0.009$ да $R_g=-0.193$; HF-2-13: $p=0.003$ да $R_g=-0.215$) (1-расм).



1-расм. Бирламчи ташхиснинг юрак ритми спектрал даражавий баҳосининг корреляцион боғлиқлик хусусияти ($p < 0.020$ да R_g).



2-расм. Клиник ташхиснинг ЮР спектрал поддиапазонлари даражавий баҳосининг корреляцион боғлиқлик хусусияти ($p < 0.020$ да R_g).

2-расмда клиник ташхисни (КТ) юрак ритми спектрал поддиапазонлари даражавий баҳоси билан корреляцион боғлиқлик хусусияти намоён этилган, бунда $p < 0.020$, пастчастотали соҳада ва HF-1-3 поддиапазони учун. Шунини таъкидлаш лозимки, фақатгина ULF-2 поддиапазони учун клиник ташхис билан орқага қайтувчи боғлиқлик аниқланган ($p < 0.001$ да $R_g = -0.303$), ULF-3 диапазони билан эса ($p < 0.001$ да $R_g = +0.324$), LF-21 ($p < 0.001$ да $R_g = +0.274$) ва HF-1-3 ($p = 0.010$ да $R_g = +0.191$) мусбат боғлиқлик тасдиқланди.

ЎРС ва нафас аъзоларини уч даражадаги жароҳатланиши умумлаштирилганлигини акс этган клиник ташхис кўрсаткичлари (ВДП, Б ва Л), ЮР спектрал хажми даражавий баҳолашдаги HF-1-30 ($p = 0.008$ да $R_g = +0.197$) ва HF-2-26 ($p < 0.001$ да $R_g = +0.261$) поддиапазонлари билан мусбат корреляцияланган, HF-2-4 ($p = 0.001$ да $R_g = -0.250$) ва HF-2-13 ($p = 0.001$ да $R_g = -0.248$) поддиапазонларида эса манфий боғлиқлик аниқланди (5-жадвал).

5-жадвал

Клиник ташхисни юрак ритми спектрал поддиапазонлари даражавий баҳолаш билан корреляцион боғлиқлик хусусияти.

Кўрсаткич	Спектрал поддиапазонни даражавий хусусияти	Боғлиқликлар хусусияти	
		R_g	P
КТ	ULF-2	-0,303	0,000

ULF-3	0,324	0,000
LF-21	0,274	0,000
HF-1-3	0,191	0,010
HF-1-30	0,197	0,008
HF-2-4	-0,250	0,001
HF-2-13	-0,248	0,001
HF-2-26	0,261	0,000

Шундай, қилиб ЎРС кўриниши билан болалар ёш гуруҳи хусусиятларига ЮР спектрал диапазонларининг барчаси билан боғлиқлик аниқланган, бу бир томондан организмни таъсир этувчи ва патологик жараён кечуви хусусиятлари, бошқа томондан функционал ривожланиш жараёни (ҳолати) билан аниқланади.

Бирламчи ташхис категориялари спектрал поддиапазонлар ULF, LF ва HF-2 даражавий хусусиятлари билан корреляцияланди. Бунда, клиник ташхис категориясида, бирламчи ташхис категориясига нисбатан солиштирилганида, ЮР спектрал поддиапазонлари даражавий баҳоси билан статистик ишончли боғлиқликлар нисбатан кенгроқ бўлиб, кўп ҳоллардаги кечувчи (долзарб) ҳолатини баҳолашдаги объективлик, болаларда ЎРС да нафас тизими қисмлари жароҳатланганлиги клиник кўринишлари билан тушунтирилади.

Тадқиқотнинг концепцияси турли хил патологик ҳолатларда, алоҳида синдромлар ёки уларнинг бирга келиши билан ЮР частотали хусусиятларини ўзгариш қонуниятини тушунишга боғлиқ эди. Бунда, тизимли тиббиётда аниқланадиган, патогенетик жараён ривожланиши мезонларини инобатга олган ҳолда, комплекс (тизимли) баҳолашни бу усулнинг “донозологик” даражадан синдромал даражага, балки нозологик даражагача чиқариши мумкин бўлган ЮР частотали хусусиятлари ўзгаришининг махсус белгилари каби, умумий белгилар мавжудлигини олдиндан фараз қилган эдик.

Бу белгиларнинг турли хиллиги ва ўхшашлиги, умумий ва махсус ҳолатларни аниқлаш мақсадида, умумлаштирилган ҳам тизимли, ҳам гуруҳ ҳосил қилувчи мезон ва категориялар сифатида болалар гуруҳлари орасида солиштирма таҳлили ўтказилиши лозим. Биринчи ҳолатда бундай категория турли даражада намоён бўладиган, нафас тизими ўткир носпецифик яллиғланиш касалликларини мужассамловчи ЎРС ҳисобланади, иккинчи ҳолатда эса – Юқори нафас йўллари ўткир яллиғланиши, ўткир бронхит ва бронхопневмонияларга хос клиник кўриниши юқорироқ бўлган бирламчи ва клиник ташхис тасдиқланди.

ЎРСда ЮР спектрал поддиапазонлари даражавий баҳолаш частотасини солиштирма таҳлилининг натижалари асосланган ҳолда уч касаллик ташхис категорияларига хос 250 дан ортиқ белгиларни аниқлаш имконини берди, улардан статистик ишончилиги ва эҳтимоллиги мезонлари бўйича энг муҳим 55 белгиси танлаб олинган.

Омиллик моделнинг таркиби, ўзининг мазмуни бўйича 72,7% тўлиқ

омиллаштирилган холда 167 нафар болаларда ўрганилган 111 объектив кўрсаткичларни намоён этади. Бу омиллик моделда 36 омиллар аниқланган ва ажратиб олинган бўлиб, бунда биринчи 12 омиллар (F1-12) 34.8%да акс этган, кейинги йигирмата омиллар (F13-24) 22.4% га таъсири мавжудлиги аниқланган ва охиригилари (F25-36) таркибда 15.5% да акс этган.

Кам аҳамиятли, ажртиб олинмаган ва ўрганилмаган омиллар, нол омили (омиллари) деб номланувчи (F-0) 27,3%ни ташкил қилган. ЎРС да VLF (F-1) омили энг муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у 4,7% омиллар таъсири тақибда намоён этган. ЎРСли болаларда ЮР VLF-диапазонида спектрал хусусиятидаги ўзгаришлар бизнинг назаримизда, ЎРС ривожланиши билан кечадиган касалликларгагина хос бўлган, турли хил патологиянинг умумий белгиларидек, махсус белгилари ҳам намоён бўлиши мумкин. Моделда 3,5%да келтирилган (F-2) иккинчи омилини кўриб чиқишда, уни биз HF-1-25 омили сифатида белгиладик. Бу омилнинг муҳим кўрсаткичи шуки, ЮР спектрал хусусияти ҳажмини ўзгариши спектрнинг юқори частотали соҳасида бўлиб, хусусан F-1-25 поддиапазонида ЎРС кўриниши билан кечадиган касалликлар патологик жараёнини акс эттиради.

Одатда, юқори частотали соҳа спектрининг ҳажмини ўзгариши нафақат алоҳида синдромлар, нозологиялар, балки турли хил бошқа физиологик ҳолатлар учун хос бўлган АНС парасимпатик қисми тонуси билан боғлиқ деб қаралади.

Ўзининг муҳимлиги борасидаги учинчи омил (F-3) ЮРнинг юқори частотали соҳа спектри учинчи поддиапазони (HF-3-10) билан боғланган ва текширилган кўрсаткичлардан 3,4%да намоён бўлди. Кўриб чиқилаётган моделда ўз муҳимлиги жиҳатидан тўртинчи (F-4) ва бешинчи (F-5) омиллар ЮР спектрал хусусияти VLF-2 ва HF-1-9 поддиапазонларида аниқланди, мос равишда 3.0 ва 2.9%га таркибли таъсирни ҳосил қилди.

Кўриб чиқилаётган тадқиқот предмети билан боғлиқ бўлган олтинчи (F-6) омили энг муҳим топилма бўлиб, моделда 2,7% кўрсатилган ва тахминий ташхис омили деб номланди. Бу борада, кам бўлмаган омилни этиб ўтиш жоиз, барча 167 нафар болаларда анамнестик ва клиник маълумотларидан, касаллик, аниқроғи унинг биринчи бор учраши, ЎРВИ ва юқори нафас йўллари (ЮНЙ) ўткир яллиғланиши манзарасига хос бўлган кўринишлар билан боғлиқ бўлган эди.

Яққол юзага чиққан VLF омилнинг қайтувчи таъсири юқори частотали (HF:-0.814) спектр кўрсаткичларидаги каби, унинг барча (HF-1:-0.774; HF-2:-0.822; HF-3: -0.732) поддиапазонларида ҳам аниқланди, бу эса патологик ҳолатдагидек, турли хил физиологик ҳолатларда ҳам бошқарув фаолият ўзгаришларининг умумий хусусияти қонунияти билан ҳам мос келади.

VLF факторли омилнинг таъсиридан фарқли ўлароқ, иккинчи омил (HF-1-25) спектрнинг юқори частотали биринчи соҳасида (HF-1-22: 0.637; HF-1-26:-0.513; HF-1-29: 0.386 и HF-1-30: 0.339) аниқ поддиапазонлар билан боғлиқликка киргани аниқланди. Бу бир томондан, умумий фактор сифатида, ўрганилган патологияда ЮР шу соҳа спектри ташхисловчи ва қиёсий ташхисловчи потенциалини аниқлаш, турли йўналтирилган ва тенг

тақсимланмаган таъсирловчи сифатида кўриладиган HF-1-25 (-0.835) поддиапазонни етакчи аҳамиятини аниқлаш имконини беради.

Юр спектри юқоричастотали поддиапазони (HF-3-10: 0.830) билан учинчи омил (F-3) ҳаракатларини таҳлил қилишда, HF-3-8 (-0.617) поддиапазони билан қайтувчи ва HF-3-11 (0.705) поддиапазони билан тўғри йўналтирилган боғлиқлик аниқланди, бу эса шубҳасиз локал кўринишлар билан аниқланган қонуниятнинг боғлиқлиги ташхисловчи аҳамитга эга эканлигини кўрсатади.

Кўрсаткичларнинг омилли зўриқишини таҳлилида, ҳаракатлари кўринишлари билан боғлиқ бўлган тўртинчи (F-4) омилида, ЮР спектрининг ҳажми VLF-2 соҳада (0.781) ва паст частотали (VLF-5: -0.350; LF-10: -0.468; LF-15: -0.312) поддиапазонларга каби юқори частотали иккинчи (HF-2-7: -0.315; HF-2-28: -0.316) поддиапазонларига ҳам тарқалганлиги аниқланган. Шунини таъкидлаш лозимки, бу таъсир қайтувчи хусусиятга эга.

HF-1-9 (0.743) кўрсаткичининг юқори омилли зўриқиши, (F-5) омиллар категориясига киритиш имконини берди. Бунда унинг таъсири, омил кўрсаткичлари таркибига кирувчи «вазн» муҳим омилларига қараганда, CP (LF-1: 0.355) спектр пастчастотали биринчи поддиапазонга таъсирини кенгайтди, шу билан бирга (HF-1-7: -0.542; HF-3-4: -0.330) юқори частотали соҳа поддиапазонларига ҳам. ЮР спектри юқори частотали ва пастчастотали соҳларида кузатиладиган, бу омил ҳаракати кўринишлари «Маҳаллий» хусусияти ўткир респиратор синдром клиникаси билан кечадиган патологияларда унинг ташхисловчи аҳамиятини аниқлаш имконини беради.

Олтинчи (F-6) омилнинг таркиб ва кучи омиллари таъсирини таҳлил қилганда, шубҳасиз, бирламчи (BT: 0.813) ва (KT: 0.801) билан ҳам боғлиқлик бўлганидек, ЮР спектрал ҳажми кўрсаткичларининг ULF-3 (0.473) поддиапазони билан боғлиқлиги аниқланган. Бу спектрал ҳажм кўрсаткичларини бу соҳада на фақат ташхислаш ва қиёсий ташхислаш, балки башоратлаш мақсадида қўллаш имконияти мавжудлигини кўрсатади.

HF-1-19 (-0.776) поддиапазони спектри кўрсаткичлари билан аниқланадиган (F-7) еттинчи омил ҳаракатининг кўриниши, (HF-1-16: 0.314; HF-1-17: 0.581) биринчи юқори частотали диапазон билан боғланган бўлиб ва (LF-1: -0.355; LF-21: -0.378) паст частотали икки нуқта параметрларига таъсири борлиги кузатилди.

ЎРС да ЮР спектри юқори частотали соҳада катта спектрал хусусияти (F-8) саккизинчи омил таркибига кирувчи омилли зўриқишларни таҳлили ўтказилганида ҳам аниқланди. Энг катта омилли вазн F-2-10 (0.757) кўрсаткичи учун аниқланган эди, бу эса ЮР спектри юқори частотали соҳасида бу омилнинг боғлиқлигини белгилашга асос бўлди. Бунда бу омил таъсири жуда пастчастотали (ULF-3: -0.331) кўрсаткич учун ҳам, (HF-1-3: -0.342; HF-2-8: -0.551; HF-3-9: -0.405) юқори частотали поддиапазонлар учун ҳам қайтувчи бўлди.

LF-14 (-0.768) омилли зўриқиш катталиги, бу кўрсаткични тўққизинчи омил сифатида ажратиш учу насос бўлди, унинг таъсири ЮР

спектрограммаси пастчастотали (LF-11: 0.394; LF-12: 0.568) поддиапазонлари била насосан боғлиқ бўлди ва HF-2-12 (0.348) кўрсаткичи билан кесиши кузатилди.

Ўнинчи омил харакатининг кўриниши, ўз ўрнида фақатгина ЮР спектри юқори частотали соҳаси билан боғлиқ бўлди ва HF-1-27 (-0.366), HF-2-22 (0.713), HF-2-24 (-0.501) ва HF-2-25 (-0.593) «ваззли» омиллар кўрсаткичларида намоён бўлиши кузатилди. Харакат хусусияти ва омилли таъсир кўрсаткичи катталигини инобатга олган холда, ўнинчи омил таркибига кирувчи аниқловчи сифатида HF-2-22 поддиапазон спектрал ҳажм кўрсаткичи белгиланди.

(F-11) ўн биринчи омил таркибига омилли зўриқиши нисбатан катта бўлмаган кўрсаткичлар киритилди, унинг қиёсий-ташхислашдаги аҳамиятини белиланди. Бу омил кўрсаткичи таъсири остида бўлган, омилли зўриқишлар модулда 0.400дан ошмаган эди, бунда омилнинг ўзи 0.773: LF-7 (-0.315); HF-1-16 (0.308); HF-2-29 (-0.339)ни ташкил қилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўн иккинчи омил модели (ULF-1: -0.772; ULF-2: 0.736) кўрсаткичли ЮР спектрининг ўта пастчастотали соҳаси билангина боғлиқ бўлди, бу эса кўрсаткичларни ўрганилаётган патология учун ва унинг биринчи омил билан боғлиқлигини умумий аҳамиятини кўрсатди.

HF-1-18 (-0.690) кўрсаткичи билан аниқланадиган (F-13) ўн учинчи омил таъсири, HF-2-18 (0.324) ва HF-3-6 (-0.384) поддиапазонлар спектрал ҳажми кўрсаткичларига минимал аҳамиятли катталиги билан омилли таъсири билан қиёсий-ташхислаши боғлиқлик категориясига киритиш имконини берди. (F-14) ўн тўртинчи омил таркибининг тахлилида шунга ўхшаш сурат кузатилди, бунда HF-1-6 (-0.736) поддиапазонда ЮР спектри ҳажми катталиги етакчи кўрсаткич роли билан аниқланган эди. Юқори частотали HF-1-5 (-0.469), HF-1-8 (0.653) ва HF-2-19 (-0.384) поддиапазонлар билан бу харакат кўринишларининг мос равишдаги боғлиқлиги аниқланди.

Текширилган болалар жинси (жинс: 0.336) билан HF-1-10 (-0.791) кўрсаткичининг харакати таранлиги аниқланганида ўн бешинчи (F-15) омилнинг таъсир хусусияти ва таркиби билан қизиқ бир қонуният аниқланди. Ўн олтинчи (F-16) омил таъсири юқори частотали HF-3-5 (-0.726) поддиапазон билан боғлиқ бўлди ва спектрнинг– HF-3-2 (0.472) ва HF-3-9 (-0.312) таранглашган соҳаларига тарқалган эди. Кўрилаётган моделнинг ўн еттинчи (F-17-1.9%), ўн саккизинчи (F-18-1.9%), ўн тўққизинчи (F-19-1.8%) ва йигирманчи (F-20-1.8%) омилларни аҳамияти, таркиби ва хусусиятини шарҳлашда қуйидаги хусусиятларни белгилаш лозим.

Биринчидан, айтиб ўтилган омиллардан биринчи утчаси (F 17-19) фақатгина ЮР спектри юқори частотали соҳаси иккинчи поддиапазони билан боғланган бўлиб, ўрганилаётган нафас тизими патологияларида ва хусусан ЎРС кўрсаткичлари ва патологик жараён (устивор) жойлашуви билан спектрал хусусиятлар ўзгаришларининг умумийлигини кўрсатади.

Иккинчидан, омилли кўрсаткич таркибига кирувчига омилли таъсирни турлийўналтирилган хусусияти, табиийки нафақат унинг таъсири, шу билан

бирга бошқа омиллар таъсирини синдромологик ёндошув чегарасида натижаларни шарҳлаш имконини беради.

Ўн еттинчи омил таркибига кирувчи, унинг номини аниқловчи HF-2-14 (-0.763) кўрсаткичнинг етакчи ролини белгилаган холда, унинг нисбатан чегараланганлиги, ЎРСда бу спектрал поддиапазонда махсус ўзгаришлар тўғрисида гувоҳлик қилиши мумкин.

Бунда кўрсатилган омил таъсири фақатгина HF-2-11 (0.463) поддиапазоннинг спектрал ҳажм кўрсаткичларига эканлиги аниқланди.

Ўхшаш кўриниш ўн саккизинчи омил (F-18) таркибининг тахлилида ҳам кузатилди, бунда HF-2-2, HF-2-26 ва HF-2-30 поддиапазонларни омилли зўриқишлар катталиги 0.395, 0.582 ва -0.792га мос келиши белгиланди.

Ўн тўққизинчи омил ўзининг таркибида тўртта HF-2 поддиапазонидаги 12 дан 16гача соҳаларни беркитган HF-2 поддиапазон спектрал ҳажми хусусиятини тутганлиги аниқланди.

Бу омилнинг зўриқиши таъсири HF-2-12: -0.443; HF-2-13: -0.539; HF-2-15: 0.792 и HF-2-16: 0.336 остида бўлган омилли кўрсаткичларини ташкил қилди.

Йигирманчи омилда ЮР пастчастотали спектри кўрсаткичлари устивор бўлди. Юрак ритмининг (LF-1: -0.350; LF-2: -0.317) паст- ва (HF-3-7: 0.491) юқори частотали спектрларига ўз таъсирини тарқатувчи LF-4 (0.695) кўрсаткичининг омилли зўриқиш катталиги омилни аниқловчи номини ажратиш имконини берди.

Йигирма биринчи омил HF-3-1 (0.800) кўрсаткичининг ҳаркат кўриниши аҳамиятли аниқловчиси бошқа омиллар кўрсаткичларига биргаликдаги таъсирини яхши намоён этадиган HF-3-4 (-0.308) поддиапазонга тарқалган эди (қуйидаги ҳолатда F-5).

Йигирма иккинчи (F-22) омилда юқори частотали HF-1-20 (0.443) ва HF-2-18 (-0.344) поддиапазонлар билан боғлиқ бўлган (LF-16: 0.692; LF-19: -0.629) ЮР спектрининг пастчастотали компонентларининг таъсири юқорилиги кузатилди, йигирма учинчи омил (F-23) эса фақатгина юқори частотали (HF-1-21: 0.618; HF-1-24: -0.749 и HF-2-6: -0.342) поддиапазонлар аниқланди.

Йигирма тўртинчи омил (F-24) мазмуни иккита пастчастотали (LF-6: -0.702 ва LF-8: 0.728) омилларни тутиб, уларнинг таъсири ЮР ўта пастчастотали CP VLF-4 (-0.435) поддиапазонида аниқланган эди.

Йигирма бешинчи омил номи LF-9 (-0.810) поддиапазони омилли зўриқиши максимал катталиги билан белгиланади, унинг таъсири эса LF-7 (0.546) ва HF-2-18 (-0.310) поддиапазонлар спектрал ҳажми кўрсаткичларига мос равишда тақсимланган эди.

Ўз ўрнида йигирма олтинчи (HF-1-23: -0.754) «Юқоричастотали» омилли (LF: 0.328) паст частотали соҳа ва ўта пастчастотали (VLF-3: -0.311) поддиапазонида ЮР спектрал ҳажми билан боғланган.

Ўз мазмуни бўйича ўхшашлик “наслий” боғлиқлик “юқоричастоталик” йигирма еттинчи (HF-1-12: -0.720) ва йигирма саккизинчи (HF-1-4: 0.773) омилларда ЮР нинг ўта пастчастотали VLF-3 (-0.388) ва VLF-4 (-0.337)

поддиапазонларида мос равишда кузатилди. Бундан ташқари йигирма еттинчи омил харакати юқори частотали HF-1-11 (-0.397), HF-1-14 (0.423), HF-1-15 (0.634) ва HF-2-21 (-0.301) поддиапазонларга тарқалган эди. Мос равишда йигирма саккизинчи омил харкати қўйидаги юқори частотали HF-1-2 (-0.665), HF-1-27 (-0.319) ва HF-1-30 (0.326) поддиапазонларга тарқалганлиги кузатилди.

Энг аҳамиятсиз омиллардан деб иккитани, яъни - таркибда 1.4 ва 1.3%ни ташкил этадиган «юқори частотали» (F-29 ва F-30)ни, ҳамда «паст частотали» F-31 (1.3%) ва F-32 (1.2%)ни белгилаш лозим.

Йигирма тўққизинчи омил (HF-2-17: -0.811) таркибини кўриб чиқиб туриб, шуни таъкидлаш лозимки, унинг таъсир хусуссияти фақатгина юқоричастотали (HF-1-13: 0.303 и HF-2-20: 0.529) кўрсаткичларга тарқалади, бунда ўн учинчи (HF-2-4: -0.675) омили эса ўз харакатларини ЮРнинг (HF-1-26: -0.314; HF-2-1: -0.314; HF-2-6: -0.305) юқори частоталик билан ҳам, паст частотали (VLF-1:-0.389) поддиапазонлар билан ҳам ўрнатади.

Ўттиз биринчи омил (LF-20: 0.769) таркиби кўриб чиқилганида қайтувчи суръат кузатилди, яъни унинг «пастчастотали» таъсири иккита (LF-17: -0.617; LF-18: -0.353) паст частоталик ва битта юқори частоталик (HF-2-24: -0.328) билан боғланган эди. Ўхшаш таркиб ўттиз иккинчи (LF-13: 0.781) омил учун ҳам аниқланган бўлиб, унинг таъсири LF-11 (-0.391), HF-1-1 (-0.326) ва HF-1-3 (0.318) поддиапазонларга тарқалганлиги кузатилди. Ўттиз учинчи (F-33) омил модельнинг таркибида 1.2% келтирилган ва паст частоталиклар (LF-3: 0.765) гурухига киритилди. Бунда унинг харакати (LF-5: -0.638; LF-10: 0.318) паст частоталикдаги каби, (HF-3-3: -0.324) юқори частоталик даражада ҳам намоён бўлади. Улар билан солиштирилганида, ўттиз тўртинчи омил (F-34-1.2%) яққол «юқори частоталик» (HF-2-3: -0.808) омил бўлиб, унинг таъсири HF-2-5 (0.329) ва HF-2-23 (0.340) поддиапазонларга тарқалади. Омиллик таъсирнинг ўхшаш таркиби ўттиз бешинчи омилнинг харакатида ҳам аниқланади ва улар (F-35-1.1%)- HF-1-27 (-0.319); HF-1-28 (0.784); HF-2-21 (0.409)ларни ташкил қилади.


Ажратиб олинган омиллардан энг охиргиси, (F-36-1.1%)ўттиз олтинчиси HF-2-9 (-0.779) ЮРнинг иккита юқори частоталик (HF-2-6: 0.319 ва HF-2-7: 0.448), ҳамда битта (LF-18: 0.416) паст частоталик поддиапазонларга таъсир кўрсатди.

Шундай қилиб, ЎРСларда ЮР спектрал хусуссиятининг омилли таъсири модели ташхисловчи ва қиёсий-ташхисловчи вазифаларни ечишда алоҳида спектрал поддиапазонлар кўрсаткичи сифатида кўриш имконини беради.

Дисертациянинг тўртинчи бобида нафас тизими яллиғланиш касалликларини ривожланишидаги яллиғланиш маркерлари таснифланади.


Цитокин статус кўрсаткичларини тахлилида, яллиғланиш жараёнини тарқалиши ривожланишини башоратлаш имконини берувчи энг маълумотга бой мезонлар аниқланди. Гурхлар орасида фарқловчи белгилар тўплами жуда кам бўлсада, лекин улар қиёсий-ташхислаш ва патогенетик аҳамиятга эгадир. Зотилжам учун ИЛ-1, 8 ва ИФН-а цитокинларининг энг юқори

кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан ишончли баланд бўлиши кузатилди. (3-расм).



3-расм. Текширилган беморлар цитокин статуси


